



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 27 март, № 64 (7566)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ — ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор муурожаат қилди:

— Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу сабабли Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тuzилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Пандемияга қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдориде маблағ йўналтирилди. Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсиде тасвирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кундан оқибатда барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатновни тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий овқатланиш шохобчалари вақтинча ёпилди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда. Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимига ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сикатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга иктирослаштирилди. Ушбу вирусли инфекцияни жилавлад, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган. Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофиде тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳокимиятлар, ички ишлар

тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда. Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда. Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охириги 10 кун ичиде 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилактикторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юзларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илгор давлатларнинг етакчи ва тажрибали мутахассисларини жалб этиш бўйича савий-ҳаракатлар кучайтирилди. Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, ҳавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш хиёнат ҳисобланади. Чунки коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-она-

си, фарзандлари, атрофидагилар, қолаверса, бутун халқимизнинг соглиги ва ҳаётини катта хавфга қўйишини чуқур англаб етиши керак. Давлат томонидан кўриладиган чоралар одамларимизнинг касалликни юктириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жилавласига қаратилган. Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмасе, тартиб-интизомли бўлиб, карантин қоидаларига риоя этмасе, барча кўраётган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш учун сафарбар қилинган юз минг-лаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин. Айрим ҳудуд раҳбарлари ҳозирга қадар фуқароларга муурожаат билан чиқиб ва юзага келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмаяпти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташкил этилмапти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиолог оқойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида қатъий оғохлатилган. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бўзимаслик барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашини шарт. Маҳалла фуқаролар йиғинлари га ҳам кўп эътирозларим бор. Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим

фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказиши давом эттирмоқда. Мисол учун, Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани, Беруни маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини кўпол равишда бузиб, эртаси кун 120 нафар кишини чақириб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юктиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани хади номаълум. Шу боис карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзолاديم. Ушбу қонунга асосан, бундан буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соглиги ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади. Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология нazorати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаши шарт. Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соглигини ҳамма нарсадан устун қўядиган донишманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолиши ҳеч қанон истамайди.

Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганининг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётини заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмасе, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида муурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгаймиз! Коронавирусга қарши курашишдаги ўзини хос “жанг майдони”да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилсе, улар шифо топа-

ди, касалхоналарни тарк этади. Лекин охириги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди. Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соглиги йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз маросим оила аъзоси инфекция юктиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани хади номаълум. Шу сабабли фуқароларнинг ҳаётини ва соглигини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиология ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилди. Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юктириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдориде алоҳида тўлов берилди.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавирусдан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиш бериш зарур. Ҳурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаётини ва соглигини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АФГОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида икки давлат раҳбарлари баҳорий Наврўз айёми муносабати билан бир-бирларини самимий кулаб, энг эзгу тилакларини билдирдилар. Ушбу фаровонлик ва янгиликни байрами дўст халқларимизнинг маданий-маънавий мероси муштараклиги, тинчлик ва раванк йўлидаги озу-умидлари раъми бўлиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ашраф Фанини Афғонистон Президенти этиб сайлангани билан табрикланди ҳамда унга мамлакатда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга эришишда катта муваффақиятлар тилади.

Ашраф Фани, ўз навбатида, табрик учун, шунингдек, Афғонистонда тинчликка эришиш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш юзасидан кўрсатаётган кўмаги ва фаол савий-ҳаракатлари учун Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди.

Афғонистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан икки йил аввал ўтказилган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси муҳим воқеа — афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича сиёсий жараённи бошлаш, манфаатдор томонлар мулоқотининг ўзаро мақбул шакл ва меҳанизмларини излашда «бошланғич нукта» бўлганини қайд этди.

Мулоқот чоғида минтақада янги турдаги коронавирус инфекцияси тарқалиши

билан боғлиқ жорий вазият ва кўриладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Президент Ашраф Фани Ўзбекистон коронавирусга қарши курашишда кўрсатаётган амалий кўмаги учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз мутахассислари томонидан бунёд этилган ва фойдаланилаётган Жайратон — Мозори-Шариф темир йўли, шунингдек, электр энергияси, озик-овқат ва саноят маҳсулотлари етказиб берилаётгани ҳамда савдо ва гуманитар юкларнинг юртимиз ҳудуди бўйлаб транзити ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилаётгани ва кўрсатилган бошқа ёрдам ушбу пандемияга қарши курашишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари харақатларини ақидан мувофиқлаштириши давом эттириш ҳамда икки мамлакатдаги санитар-эпидемиология ҳолатини назорат қилиш борасида қатъий чоралар кўриш муҳимлигини қайд этдилар.

Президентлар икки томонлама, аввало, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ҳам кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Афғонистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қўша инициативаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги савий-ҳаракатлари фаоллаштиришга келишиб олинди.

Ў.А.

ИЖТИМОЙ ВА ТИББИЙ МУҲОФАЗАНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этмоқда. Одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг ачиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғли нотўғри эканини кўрсатмоқда.

Шу боис мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди. Хусусан, карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманида биринчи босқичда 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонасини барпо этиш ишлари якунланмоқда.

Ушбу вилоятда 2 та беш минг ўринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилмоқда. Унинг мингталик биринчи блоқи яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳар бири минг кишилик модуль касалхоналар ва карантин пунктларини жиҳозлаш ишлари бошланди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратил-

ган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари га 300 мингга экспресс-тест ва 500 та сунъий нафас олдириш аппарати харид қилиш, хавф юқори бўлган аҳоли пунктларида кўчма лабораториялар ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шифокорларимизга амалий ёрдам бериш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқаришни кунига 5 миллион донага етказиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ходимларининг камиде 50 фоизини ҳақ тўланадиган таътилга ақолини, қолганлар масофадан ишлашга ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Сурункали касалликка чалинганлар ҳамда 60 ёшдан ошганлар ташқарига чиқмаслиги, бундай ходимлар 100 фоиз меҳнат таътилга чиқарилиши тавсия этилди.

Тиббиёт ва ҳарбий олий ўқув юртлари талабаларидан иборат кўнгилчилар жамоасини тузиб, ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга ҳамда олис ҳудудларга

озик-овқат, гигиена ва дори воситалари етказиб беришни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонга олиб кириладиган дори-дармонлар, субстанциялар, тиббий техника ва бошқа зарур товарларни божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодий зарарларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 мартдаги Фармони га мувофиқ, бу борада қўллаб имтиёз ва преференциялар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солигининг оширилган ставкалари қўлланилмайдиган бўлади. 1 ноябрга қадар коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни боши-

дан кечраётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объектлари бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилди. Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилди.

Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланди. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади. Йиғилишда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва саноят вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиши маълум қилиниб, унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиология оқойишталлигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайитириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси га коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда — Махсус комиссия):

нодавлат тиббиёт ташкилотларига шоишлик профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга ружаст бериш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиология оқойишталлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда. Фуқароларнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан

ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ХАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 23 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2020 йил 24 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 10, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА
ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1) куйидаги мазмундаги **244⁵-модда** билан тўлдирилсин:

«244⁵-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан юз олтимш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтимш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **257¹-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқ эмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки захарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, – етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар) **381²-моддаси биринчи қисмининг 1-банди** «244⁴-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари)» деган сўزلардан кейин «244⁵-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **III бобнинг номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«III БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ВА МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ»;

2) куйидаги мазмундаги **29²-модда** билан тўлдирилсин:

«29²-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ўттиз суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ижро этилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади»;

3) **54-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ
КУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН ТИББИЁТ ВА
САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга **ҳар 14 кунлик фаолият даври учун куйидаги миқдорларда (соликлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови** (кейинги ўринларда — махсус тўлов) белгилансин: **врач** ходимларга, **врач-лаборантларга — 25 миллион сўм**; **ўрта тиббиёт** ходимларига, **ҳамшира-лаборантларга — 15 миллион сўм**; **кичик тиббиёт** ходимларига — **10 миллион сўм**; **бошқа** ходимларга — **5 миллион сўм**. Инқирозга қарши курашиш республика комис-

сияси (А. Н. Арипов) бир ҳафта муддатда махсус тўловларни олувчи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансинки, махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг **ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида** тўлаб берилади.

3. Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан **бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар** миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган,

зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни юқори ҳимоя даражасига эга бўлган шахсий ҳимоя воситалари комплекти билан мунтазам равишда таъминласин.

5. Мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жағфармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил “26” мартдаги ПҚ–4652-сон қарорига илова

Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар МИҚДОРИ

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	100 миллион сўм
Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	250 миллион сўм

Изоҳ. Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ
КЕНГ ТАРҚАЛИШИНING
ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиши фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки: коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тарихида, танлов (тендер) ўтказмасдан аниқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жағфармаси маблағлари ҳисобидан юқланади;

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзага келганда Махсус комиссия қарорига асосан, коронавирус инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 март

Давлат дастури ижросида парламент назорати кучайтирилади

Президентимизнинг шу йил 2 мартдаги Фармони билан тасдиқланган Харажатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури бешта устувор йўналишдаги 284 та банддан иборат дастури таъбирларни ўз ичига қамраб олган.

Депутат минбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳам 2020 йилга мўлжалланган иш режасини Давлат дастурида кўйи палата зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси, парламент палаталари кўша мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқди.

Бугунги кунда кўйи палата депутатлари томонидан ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида қизғин ишлар олиб боришмоқда.

Амалийдан маълум бўлдики, баъзан парламент кўйи палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан пухта ишланмаган, яъни "хом" қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳоллари кузатилади. Айнан шу масалага Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Шу нуқтани назардан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ташаббусларни ва маъсулятини оширишга оид қонун лойиҳаси тайёрлашмоқда. Лойиҳада қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг аниқ тартибини белгилаш назарда тутилган.

Дастурда белгиланганидек, эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида йил якунига қўра, қабул қилинган ҳар бир қонун ҳалқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли

чораларни кўриш ишлари маъсул кўмиталар томонидан амалга оширилади. Ҳар бир қонун юзасидан кўмитанинг тегишли хулосаси тайёрланади.

2020 йил 1 июлдан бошлаб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва ҳўкалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш йўлга қўйилди.

Дастурнинг ижтимоий соҳага оид қисмида аҳоли бандлиги ва реал даромадини изчил ошириш масалаларига катта эътибор берилган. Йил давомида юртимизда камиди 500 мингта доимий иш ўринлари яратилиш, 40 минг шахсини меҳнат бозорининг реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўзини ўзи банд қилган 50 минг шахсини вақтинчалик меҳнат гувоҳномаси билан таъминлаш, 30 минг ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан субсидия ва грантлар ажратилиши белгиланган.

Мурожаатномада таъкидланганидек, республика аҳолисининг 12 — 15 фоизи ёки 4-5 миллион киши камбағаллик даражасида кун кечирмоқда. Йил дастурига қўра, жорий йил август ойига қадар Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа

халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Камбағалликни камайтириш дастури ишлаб чиқилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Президентимиз раислигида 2020 йил 27 февралда ўтказилган видеоселектор мажлиси ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирларига бағишланган эди. Маълумки, камбағалликни камайтириш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш ва уни маҳалла даражасига тушириш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга маъсул алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Шунингдек, Бош вазирнинг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ҳамда Ҳукуматнинг алоҳида котибият ташкил этилди.

Вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимлари биринчи ўринбосарларига камбағалликни камайтириш вазифаси юклатилди.

Масала долзарблигидан Ўзбекистон Республикасида камбағаллик даражасини қисқартириш ва қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантириш умумийлиги ҳаракат сифатида белгиланди. Тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан 2020 йил май ойига қадар халқаро стандартлар асосида камбағаллик даражаси ва уни баҳолаш мезонлари ҳамда жорий йил 1 сентябрга қадар бир қатор халқаро ташкилотлар билан бирга 2020 — 2030 йилларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Дастурга қўра, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камиди биттадан "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил

этилиб, уларда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилиши таъминланади. Тадбиркорларга молиявий ресурслардан, жумладан, микромолиялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан фойдаланишда кенг имкониятлар берилди.

Кўйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси 2020 йилга мўлжалланган иш режасини айнан Давлат дастури асосида ишлаб чиқди. Бугунги кунда кўмитага тегишли бўлган қонун ҳужжатларини ҳар томонлама инвентаризациядан ўтказиш ва таҳлил қилиш ишлари олиб бориляпти.

Президентимизнинг 2019 йил 5 мартдаги "2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буџетмаси тўғрисида"ги қарорининг ижроси ҳолати Навоий ва Бухоро вилоятларида назорат-таҳлил тартибиде ўрганилди. Ўрганиш натижаси кўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Ҳозирда кўмитада айнан меҳнат муносабатларини тартибга солиш, аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида қизғин иш олиб борилаётган. Жумладан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланди.

Айтиш жоизки, ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун тоовон пули каби тўловларни қайта кўриб чиққан ҳолда, "Ижтимоий сугурта тўғрисида"ги қонун лойиҳасига тақлифлар тайёрлаш вазифасини ҳам мақсад қилганмиз.

Асосий вазифаларимиздан яна бири — янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини қабул қилиш. Бу борада ўтган йиллар давомида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда лойиҳани тайёрлаш жараёнида кўп тадбирларни ўтказдик. Қисқа муддатларда мазкур кодекс Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига расман киритилди.

"Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ижросини Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида ўрганиш, фуқароларимиздан пенсия таъминоти юзасидан келган мурожаатларни ҳисобга олган ҳолда, Молия вазирлиги ҳузурдаги буџетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини кўмита мажлисида эшитиш, мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳам муҳим вазифаларимиздан саналади.

Йил давомида Давлат дастурининг ижроси бўйича парламент назорати кучайтирилади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ажратилган Давлат буџети маблағлари тўри ва самарали сарфланиши ҳудудлар кесимида ўрганилади.

2020 йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини баҳолаш бўйича ҳамда "Бандлик соҳасида давлат сибсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш масаласида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини кўмитанинг кенгайтирилган йиғилишларида эшитишни ҳам режа қилганмиз.

Умуман, Давлат дастуридаги вазифалар аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Биз, халқ вакиллари дастурда белгиланган ҳар бир банд ижроси юзасидан парламент назоратини ўрнатсак, белгиланган тадбирлар ўз муддатига, сифатли бажарилишига эришамиз.

Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси.

Сенаторлар коронавирუსга қарши самарали курашмоқда

Дунёга, бутун инсониятга таҳдид солаётган коронавирус инфекцияси ҳар бир инсондан, шу жумладан, юртдошларимиздан бу "кўринмас ёв"ни биргалликда жиловлаш, тезроқ бу балодан қутулиш чорасини кўришни талаб этмоқда. Барча соҳа вакиллари каби Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам депутатлар бўлиб, Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси ва глобал инкиқроз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига камарбаста бўляпти.

Фармон ва ижро

Кўни кеча Сенатнинг Буџет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова соғлиқни сақлаш тизимини ҳодимлари билан биргаллик Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри ва Зангиота тумани маҳаллаларидаги ёши улуг инсонлар, ёлғиз қарииялар, кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олиб қайтишди. Яъни уларга дори-дармон ва антисептик воситалар тарқатилди. Шу билан бирга, ҳозирги шароитда қандай ҳаракат қилиш юзасидан зарур тушунтиришлар берилди.

Сенатор Улугбек Файзиёв шу кунларда тиббий ниқобларга бўлган эҳтиёж ортаниши эътиборга олиб, ўзи раҳбарлик қилаётган тиббиёт ишлаб чиқариш корхонасида шундай махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни чоғда 50 минг донга тиббий ниқоб Навоий вилояти аҳолисига бепул тарқатилди. Ўз навбатида, сенатор ижтимоий тармоқлардаги қиқчишлари орқали одамларни ҳозирги синовли паллаларда ёлгон хабарларга ишонмасликка ва хотиржамлигини сақлашга ҳолда, гигиена қоидаларига қатъий

риоя қилишни унутмасликка чакирмоқда.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Робохон Маҳмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Фаргона вилоятининг Учкўприк туманида жойлашган "Қўкон" эркин иқтисодий зонасида ўрганишлар ўтказилди. Бу ерда тадбиркор Мақсуджон Мансуров томонидан маҳаллий ҳокимлик вакилларининг қўллаб-қувватлаши натижасида 16 март кунидан эътиборан корхона қайта жиҳозланиб, тиббий ниқоблар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда у қаватли мелт блаун матосидан бир кеча-кундузда 450 минг

дона ниқоб ишлаб чиқарилиб, жойларга етказиб берилаётган.

Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуджон Парпиев ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Наманган вилояти ҳокимлигида тузилган коронавирус инфекциясининг худудга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш штаби фаолияти билан танишдилар. Мулоқот чоғида пандемия профилактикаси даврида вилоятда асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, жумладан, бозорларда нарх-навоининг назорати, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришни кенгайтириш, карантин тартибига қатъий амал қилинишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

«Халқ сўзи».

КОРОНАВИРУС

Кўпга келган тўй-да буям, ўртоқлар, Ҳади кун қизса, чекинар хатар. Лексин ўз юртига ёмонлик хоҳлар. Иллати каслар бор вирусдан баттар.

Ваҳима пурқайди писиб панада, Семериб айрайди тахлика солиб. Содда кўнгалларни сўрар канадаи, Эрта-кеч ёзғарин пушобдан нолиб.

Гилдирракка таёқ тикиш — орзуси, Фитнага соз фурият кутиб ётурилар. Турланиб, тусланар, амал — қайғуси, Ҳа, эски олачқ бу — тугма ботирлар.

Бугбон буларга тож — коронавирус, Баҳона сабаб лой отишга шай. Бундайлардан йироқ юренинг дуруст, Сўзини эшитсанг, қулоғини чай!

Богбон юрт гуллани деб жони ҳалак, Деҳқон ёмғир сўраб жонини потирлар. Бекорчхўжа-да, манов зиндаалак, Манови бижғисан тугма ботирлар!

Ҳазилакам ҳалқмас бу, ҳазил барон, Шу буюк эл билан йўғин ҳам ҳорон. Садқай одам кет! Ҳўв, дулиммо, Қани бир исиріқ солиб юборинг!

Иқбол МИРЗО,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон халқ шоири.

Кўп қаватли тураржойлар дезинфекция қилинди

Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ бугунги вазият барчамизнинг зиммасига катта маъсулият юклаши, шубҳасиз. У кенг тарқалмаслигининг олдини олиш мақсадида Андижон вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари ҳам мавжуд кўп қаватли уйларда дезинфекция ишларини амалга оширмоқда.

— Шу кунгача 500 та кўп қаватли уйларда бу каби ишлар бажарилиди, — дейди бошқарма матбуот хизмати раҳбари Умиджон Мамарасулов. — Ермўла, йўлақлар, уй ичлари, том ва болалар уйингоҳлари, қўйингки, барча худуд хавфдан холи бўлмоқда. Шу билан бирга, аҳоли орасида коронавирус

инфекциясидан сақланиши ва уни юқтирмаслик чоралари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бу каби ҳаракатлар туман ва шаҳарлардаги кўп қаватли уйларда ҳам давом этмоқда.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Туркиядаги ваколатхоналаримиз қошидаги тезкор штаблар фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатмоқда

Ўзбекистон Республикасининг Анқарада жойлашган элчихонаси ва Истанбулдаги Бош консулхонасида ташкил қилинган тезкор штаблар ушбу мамлакатда бўлиб турган юртдошларимизга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича ўз фаолиятини изчил давом эттирмоқда.

«Халқ сўзи» учун махсус

Асосий эътибор чартер рейс билан Ватанга қайтиш истагида бўлган Ўзбекистон фуқаролари рўйхатини шакллантириш, рейсларни ташкил этиш ҳамда ваколатхоналар ходимларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Штаб вакиллари ватандошлар билан доимий алоқада бўлиб, уларга зарур маслаҳатлар бермоқда, Ўзбекистон ва Туркия ҳукуматлари томонидан эълон қилинган карантин чораларига риоя қилиш юзасидан батафсил тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Мулоқот бевосита, телефон, шунингдек, "WhatsApp", "Telegram"

мессенжерлари ҳамда "Facebook" ижтимоий тармоғи орқали амалга оширилмоқда.

Дипломатик ваколатхона юртдошларимизни, айниқса, талабалар ва уларнинг ота-оналарини чартер рейсини куттиш вақтида сабр-тоқатли бўлишига, ижтимоий тармоқларда асосисз маълумотларга ишонмасликка чакирмоқда. Вирусга қарши чора-тадбирлар дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Туркия ва Ўзбекистонда ҳам изчил амалга оширилаётгани, карантин тартиби кенгайтирилаётгани тушунтирилиб, карантин қоидаларига қатъий

УЙДА ҚОЛИНГ!


Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 140 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Ваҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.



Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Гаффаров. Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.30 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6

ПАРЛАМЕНТ ГАЗЕТАСИ

давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижросини кенг оммага етказишда асосий ахборот воситаси бўлади

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгаши нашри сифатида қайта рўйхатдан ўтди. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг яна бир ифодасидир.

Давр кўзгуси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида янги парламентнинг келгуси беш йилдаги фаолияти кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришга йўналтирилган лозимлигига эътибор қаратиб, депутатлар сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқишлари ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга оширишлари муҳимлигига урғу берди. Депутатлар ва сенаторлар тимида бўлган бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб, демократик ислохотлар йўли — биз ушбу аяққа ягона ва энг тўри йўл эканлигини таъминлаш бўлишига эришимиз керак.

Бугун парламентда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида фаол иш олиб боришмоқда. Энди депутатлар қонунларни муқаддим қилганларда ўтириб ёзаётганлари йўқ, сенаторлар худудлардаги аҳоли турмушига телевидениедаги кўрсатувларга қараб баҳо беришмаяпти. Халқ вакиллари халқнинг орасида бўлиб, уларнинг муаммоларини ўрганишти, қувончу ташвишларини баҳам қўришмоқда. Бу эса қонунларимизнинг ҳам, аввало, фуқаролар манфаатларига хизмат қиладиган чинакам халқчил қонунлар бўлишини таъминляпти. Янги мажлислар депутатлар ва сенаторларнинг қизғин баҳс-мунозаралари, қарама-қарши фикрлар тўқнашуви остида ўтмоқда. Парламент кўйи палатасида сиёсий партиаларнинг фракциялари ҳар бир масала юзасидан ўзларининг электрот манфаатларига мос позицияларини эълон қилишмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз олдимизга қўйган "Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргалликда барпо этишимиз, деган улғувор мақсадга эришиш сари қўйилаётган илк қадамларидир.

Мана шу жараёнларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятини тўлақонли ёритиб бориш, уларнинг турли масалалар бўйича фикрларини халқимизга етказиш, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан аҳолини хабардор қилиш ҳар қачонгидан-да муҳимроқ аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Тахририят кейинги фаолиятини айнан мана шу талаблардан келиб чиқиб ташкил этишни режалаштирган. Хусусан, ижодий жамоамиз парламент томонидан ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш, халқ билан мулоқот, қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш, парламентлараро алоқалар борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап-гап саҳифаларида мунтазам равишда материаллар бериб боришни ўз фаолиятининг устувор вазифаси деб ҳисоблайди.

Шундан келиб чиқиб, биз барча ҳамкасбларимиз, шу билан бир қаторда, ижодкорлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари жойларда халқ билан ошқора мулоқот, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш мавзусидаги материаллар билан "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари саҳифаларида фаол иштирок этишларига ишонамиз.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ушбу кўмита аъзоси Шарап Уснатдиновни фарзанди **Камал Шарапович УСНАТДИНОВНИ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди Ўзбекистон халқ шоири, уюшма аъзоси **Охунжон ҲАКИМНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этди.